**Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| **“Биология фанлари” йўналиши бўйича** | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| **1** | **2** | **3** | **4** |
| | Ўзбекистон халқ табобатида ишлатиладиган доривор ва йўқолиш хавфи остидаги ўсимликларнинг электрон депозитарийсини яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Ўзбекистон халқ табобатида ишлатиладиган доривор ва йўқолиш хавфи остидаги ўсимликларнинг электрон депозитарийсини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий-тадқиқот натижалари:**<br>- маҳаллий аҳоли томонидан дориворлик хусусиятлари учун фойдаланилаётган турларни аниқлаш мақсадида этноботаник тадқиқотлар ўтказилади;<br>- турларнинг фитокимёвий таркиби ўрганилади ҳамда баъзи турлар учун токсикологик, фармакологик хусусиятлар аниқланади;<br>- дориворлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўсимликлар маълум касалликларга қарши қўлланилиши бўйича гуруҳларга ажратилади;<br>- доривор йиғмаларнинг таркибида ишлатиладиган камёб турлар аниқланади;<br>- уларнинг ресурси ва хом-ашё тайёрлаш ҳажми келтирилиб, барқарор фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш чоралари ишлаб чиқилади;<br>- барча олинган маълумотлар, фототасвирлар ва хариталар асосида электрон база шаклидаги ўсимликлар депозитарийси яратилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари доривор ўсимликларга ихтисослашган фермер хўжаликлари ва фармацевтика саноатида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,8 млрд сўм** |
| | | **Жами йиллик:** | **0,8 млрд сўм** |

****Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 2,4 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.***

**Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Биология фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий<br>лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| **1** | **2** | **3** | **4** |
| | Республикамизнинг адир минтақаси лалми ерларида қора седана *(Nigella sativa)*, оддий зиғир *(Linum ussitatissimum)* ва зира *(Elwendia persica)* плантациясини ташкил этиш<br> | **Тадқиқот шакли:** Республикамизнинг адир минтақаси лалми ерларида қора седана *(Nigella sativa)*, оддий зиғир (*Linum ussitatissimum)* ва зира *(Elwendia persica)* плантациясини ташкил этиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий-тадқиқот натижалари:**<br>- республикамизнинг адир минтақаларидаги лалми ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида қора седана *(Nigella sativa)* ва оддий зиғир *(Linum ussitatissimum)*, зира *(Elwendia persica)* плантацияларини ташкил этишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилади;<br>- тадқиқот давомида ҳудудлар кесмида ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари ўрганилади;<br>- биоэкологик хусусиятларига асосан ҳудудлар кесимида маҳсулот етиштиришнинг ўзига хос инновацион технологиялари ишлаб чиқилади;<br>- қора седана *(Nigella sativa)*, оддий зиғир *(Linum ussitatissimum)* ва зира *(Elwendia persica)* қайта ишлаш натижасида экспортбоп тайёр қадоқланган шаклда (мой, капсула, уруғлар) маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси яратилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари доривор ўсимликларга ихтисослашган фермер хўжаликлари ва фармацевтика саноатида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,6 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,6 млрд сўм** |

****Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,8 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.***

**Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| **“Биология фанлари” йўналиши бўйича** | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| **1** | **2** | **3** | **4** |
| | Жиззах вилояти табиий доривор ўсимликларининг географик ахборот тизими (ГАТ) хариталарини яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Жиззах вилоятида табиий ҳолда таркалган доривор ўсимликлари популяцияларининг замонавий ҳолати, заҳираси ва тарқалиш ҳудудларини акс эттирувчи географик ахборот тизими (ГАТ) хариталарини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий-тадқиқот натижалари:**<br>- Жиззах вилоятида табиий ҳолда тарқалган доривор ўсимликларнинг замонавий ҳолати баҳоланади;<br>- ҳудудда тарқалган ноёб доривор ўсимликларнинг мавжуд майдонлари аниқланиб, “махсус ҳудуд” сифатида муҳофазага олиш учун тавсиялар ишлаб чиқилади;<br>- Жиззах вилояти доривор ўсимликларининг замонавий ҳолати бўйича маълумотлар базаси яратилади;<br>- замонавий “тур тизимли хариталаш” усули орқали ҳудудда тарқалган доривор ўсимликларнинг заҳираси ва тарқалиш майдонини акс эттирувчи ГАТ-хариталар ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари доривор ўсимликларга ихтисослашган фермер хўжаликлари ва фармацевтика саноатида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,5 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,5 млрд сўм** |

******Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.***